БАДИИЙ-КИТОБИЙ СЎЗЛАР УСЛУБИЯТИ

Б.УМУРҚУЛОВ

В статье рассматривается лексика художественно-книжной речи, её особенности на материале прозаических произведений.

In this article the author tried to consider lexicon artistic-bookish speech, its pecularities on the material of the prose.

Бадиий насрнинг муҳим хусусиятларини белгиловчи, насрий нутқнинг бошқа турларидан луғавий жиҳатдан ажратиб турувчи сўзлар бадиий-китобий сўзлардир.

Бадиий-китобий сўзлар нутқнинг бадиий адабиёт тури билан боғлиқ бўлиб, услубий имкониятлари кенг бўлган таянч сўзлардир.

Маълумки, нутқ турларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган, шу нутқ тури учун хос луғавий воситалар бошқа нутқ турларидан деярли қўлланмаслиги билан характерланади. Бу хусусият бошқа гуруҳдаги луғавий воситаларга нисбатан кўпроқ бадиий-китобий сўзларга хосдир. Бадиий-китобий сўзлар нутқнинг қайси турида учраса ҳам китобийлик хусусиятининг кучлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис ҳам асосан бадиий адабиётларда қўлланилиши, бадиий нутқ учун табақаланганлиги, шу нутқ жараёнида маълум услубий вазифа бажариши каби хусусиятларидан келиб чиқиб, бу луғавий воситалар бадиий-китобий сўзлар деб ажратилган.

Бадиий-китобий сўзлар қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради: а) бошқа нутқ турларида деярли қўлланилмайди; б) умумистеъмолдаги синонимларидан нозик маъно ифодалаш хусусиятларининг мавжудлиги билан фарқланади; в) умумистеъмолдаги синонимларига нисбатан эмоционал-бўёқдор бўлиб, бадиий нутқнинг эмоционал таъсирчанлигини уюштиради; г) шаклан жарангдор, жозибали бўлганлиги учун бадиий фикр ифодалашга мос. Масалан: бадиий-китобий барҳаёт сўзи тирик сўзига нисбатан нозик маъно ифодалаш хусусиятига эга.

Зеро, барҳаёт сўзида **«абадий тириклик», «мангулик»** тушунчаси мавжудки, бу шу сўзнинг ўзига хос маъно нозиклиги борлигини кўрсатади. Ёки мусаффо сўзи умумистеъмолдаги тоза сўзининг синоними бўлиб, маънони кучли бўёқдорликда ифодалаши билан характерланади[2;195]. Бу сўзлар ва бошқа кўпгина бадиий-китобий сўзлар ҳам шаклан жозибадор, шу жиҳатдан улар бадиий нутқ талабларига мос келади. Зеро, бадиий матнга хос муҳим хусусиятлардан бири ифоданинг нафислигидир. Яъни бадиий нутқ фикрни бутун нозиклиги билан, эмоционал жиҳатдан бўёқдор, ифода жиҳатидан таъсирчан, образли баён этувчи нутқдир. Бадиий-китобий сўзлар эса худди шу хусусиятларни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин эгаллайди. Бадиий нутқнинг луғавий жиҳатдан муҳим услубий белгиси бўлган бадиий-китобий сўзларнинг маълум қисми муайян давр учун эскирган, бироқ уларнинг бадиий матнларда учраши маълум услубий вазифасидан келиб чиқади.

Ўзбек тилшунослигида тил луғат таркибининг услубий жиҳатдан кам ўрганилганлиги сўзларни нутқнинг қайси турига мансуб эканлигини аниқлашда, шунингдек, ҳар бир нутқ турига хос бўлган таянч сўзларнинг миқдорини белгилашда қийинчиликлар туғдиради. Жумладан, бадиий нутқнинг таянч сўзлари бадиий-китобий сўзларни ажратишда ҳам бу ҳолни кўриш мумкин. Сўзларни услубий белгилари билан ажратиб кўрсатувчи энг йирик тадқиқот «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу ҳол яққол кўринади. Луғатда мазкур қатламга оид 927 та сўз берилган. Булардан 558 таси «эскирган китобий», 318 таси «китобий» ва 53 та сўз «поэтик» белгилари билан қайд этилган[1]. Луғатда бир қатор айнан бадиий-китобий бўлган сўзлар ҳеч қандай белгисиз берилгани ҳолда, масалан: **барҳаёт, бахш** (бахш этмоқ), **барҳаманд, буткул, даргоҳ, диёр** ва бошқалар) учраганидек, сўзларни услубий жиҳатдан белгилашда баъзи ноаниқликларга ҳам йўл қўйилган. Мазкур тадқиқот шу йўналишдаги илк тажриба бўлганлиги учун бу ҳолат табиийдир. Сўзларни услубий жиҳатдан белгилашда профессор А.Ҳожиев аниқ ёндошган. А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» китобида 126 сўз «китобий», 35 сўз «эскирган китобий», 23 сўз «поэтик», 27 сўз бадиий услубга хос ва 13 сўз ёзма нутққа хос сифатида белгиланади. Шунингдек, 110 сўзнинг сўзлашув услубида қўлланилмаслиги таъкидланади.

Юқоридаги манбалар ва ушбу тадқиқот учун тўпланган махсус картотека материалларида бадиий-китобий лексикага оид 4000 дан ортиқроқ сўз қайд этилди . Ўз-ўзидан маълумки, аввало бу миқдор бадиий-китобий сўзларнинг аниқ моқдори эмас. Иккинчидан, ушбу миқдорни жуда катта луғавий

қамровга эга бўлган бадиий матннинг луғавий жиҳатидан алоҳидалигини таъминлаши учун етарли миқдор ҳам дейиш қийин. Бироқ гап сўзнинг миқдорида эмас, балки унинг услубий вазифаси ва нутқнинг шу турида қўлланиши учун табақаланганлигидир. Шу жиҳатдан бадиий-китобий сўзлар алоҳида диққатни жалб қилувчи гуруҳ эканлиги шубҳасиздир. Бадиий-китобий сўзлар гарчанд, бадиий нутқ учун хосланган бўлиб, бадиий нутқда актив қўлланилса-да, бадиий-китобий сўзлар учрамайдиган кўплаб бадиий-матнлар мавжуд. Бу ҳол шу қатлам сўзларининг пассивлигини кўрсатмайди. Аксинча, шу сўзларнинг услубий восита эканлигидан далолат беради.

Бадиий-китобий сўзларни алоҳида луғавий гуруҳни ташкил этувчи сўзлар сифатида ажратиш ва уларнинг бадиий нутқ жараёнидаги вазифаларини ўрганишдан мақсад қуйидагилар: а) бадиий-китобий сўзларнинг асосий қисми нутқий тантановорликни, кўтаринкиликни таъминловчи сўзлар бўлиб, уларнинг хусусиятлари фақат бадиий нутқ жараёнида очилади; б) бадиий-китобий сўзлар бадиий таъсирчанликни таъминловчи, нутқининг жозибадорлигини уюштирувчи воситалардан бири, аммо мазкур сўзлардаги бу хусусиятлар бошқа нутқ турида сезилмайди; в) бадиий-китобий сўзлар ўзига хос лексик-семантик ва стилистик хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар ҳам бадиий нутқ жараёнида очилади. Бу ҳолатлар шуни кўрсатадики, бадиий-китобий сўзлар бадиий нутқнинг муҳим услубий белгисидир. Улар бадиий нутқ жараёнидаги нейтрал сўзларга нисбатан услубий бўёқдорлик белгиларининг кучлилиги билан ажралиб туради. Шунга кўра бу гуруҳга оид сўзлар бадиий матнлардаги кўпгина бошқа луғавий бирликлардан фарқланиб туради.

Бадиий-китобий сўзлар хусусиятларига кўра турли-туман. Бу қатламга мансуб сўзларнинг бир қисми ҳозирги тил нуқтаи назаридан эскирган. Бироқ турли услубий вазифаларни бажариш жараёнида бу сўзлар бадиий асарларда фаол қўлланилмоқда. Айниқса, бадиий матнларда қуйидаги эскирган сўзларни кўплаб қўлланилган ҳолда учратиш мумкин: **саркаш, ёғий, ёноқ, фараҳ, само, андуҳ, ағёр, баҳр, гардун, забун, дудоқ, бода, кишвар, фарёд, ҳажр, мубҳам** каби архаик сўзлар кўплаб қўлланилиб, ўтмишга хосликни таъминлаш билан бир қаторда, нутқий кўтаринкиликни уюштиради. Эскирганлик белгиси мавжуд бўлмаган бадиий-китобий сўзлар от, сифат, қисман феъл ва равиш туркумларига оид бўлиб: **нигоҳ, барҳаёт, боқий, порлоқ, мангу, осуда, туғён, туйғу, оғуш, шафақ, жилва, сукут, ёғду, теран, сўник, маҳзун, порлоқ, улуғвор** каби бадиий-китобий сўзлар матннинг бадиий бўёқдорлигини кучайтиради. У ҳам соқолини тутамлаб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, ўз юртини эслаб, ўксинган бўлса керак, сўник юзида теран бир маҳзунлик акс этарди («Улуғбек хазинаси»).

Ушбу гапда қўлланилган **сўник, теран, маҳзунлик, акс этмоқ** бадиий-китобий сўзлари нутқий кўтаринкиликни таъминлаш имкониятини вужудга келтирган. Ёки: Тун яримдан оққан олис қирлар ортидан кўтарилган заифгина ҳилол шуъласида борлиқ сокин, осуда уйқуга чўмган. (О.Ёқубов. «Улуғбек хазинаси»), гапидаги **ортидан, ҳилол, шуъла, борлиқ, сокин, осуда, чўмган** сўзлари бадиий-китобий сўзлардир. Бу сўзлар ушбу гапнинг қарийб 50 фоизини ташкил қилган. Бу ҳол бадиий-китобий сўзларнинг бадиий матнларда актив қўлланилишидан далолат беради. Бироқ гап бадиий-китобий сўзларнинг бадиий нутқда актив қўлланилишида эмас, уларнинг бадиий нутқда қўлланилиши учун сабаб бўла олган омиллардадир. Юқорида келтирилган сўзларни умумистеъмолдаги синонимлари билан маъно ва маъно бўёқдорлиги жиҳатдан чоғиштириш орқали бу жараённи ойдинлаштириш мумкин. Орти сўзи умумистеъмолдаги орқаси сўзи билан маънодош, белги-хусусият, эмоционал-экспрессивлик жиҳатдан умуман фарқланмайди. Аммо бу сўзларнинг биринчиси орти сўзи бадиий нутқ учун табақаланган. Шу боисдан бадиий насрда ҳам, шеъриятда ҳам актив учрайди. Бу сўзнинг бадиий нутқда актив учрашини шаклан ихчамлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳилол сўзи умумий маънода «ой» тушунчасини билдиради. Бироқ бу сўз ифодасига ойнинг умумий кўриниши эмас, балки энди чиққан ой, «уч кунлик» ой тушунчаси мавжуд, шу тушунчани айнан ифодаловчи тилда алоҳида сўз мавжуд эмас. Оддий сўзлашувда уч кунлик ой бирикмаси билан ифодаланади. Шундай экан бу сўзнинг бадиий нутқда табақаланиши ифода хусусияти билан боғлиқ. Шуъла ва борлиқ сўзларининг бадиий нутқ учун хосланиши шу сўзларнинг юксак услубга хослиги билан ўлчанади, зеро, шу сўзларнинг умумнутқий синонимлари нур, мавжудот сўзларида китобийлик бўёғи мавжуд эмас. Сокин сўзида «жимлик» тушунчасининг белги-даража жиҳатдан юқорилиги ифодаланади, шунингдек, бу сўз кучли жарангдорликка эга. Ва ниҳоят, чўмган сўзи «бурканмоқ» маносида бадиий нутқда қўлланиладики, бу сўзнинг худди шу маънони ифодаловчи умумнутқий синоними мавжуд эмас. Кўринадики, бадиий-китобий сўзларнинг бадиий нутқда табақаланиши учун асос бўладиган турли омиллар мавжуд. Гарчанд, бадиий-китобий сўзларнинг бир қисми умумнутқий синонимларидан маъно жиҳатидан фарқланмаса ҳам нутқнинг бадиий бўёқдорлигини, жилодорлигини кучай-

тириш вазифасини бажаради, токи шу хусусияти бу типдаги сўзларни бадиий нутқ учун табақаланишига олиб келган. Масалан, **ёғду, ногоҳ, завқ, дил, наво, нидо, мангу, оғуш, шодон, заррин, ногоҳон, вафо, янглиғ, сокин, покиза, куйламоқ, буткул, қалб, интизор, сархуш, танхо, хушнуд, сузук, само, садо** ва бошқа кўпгина бадиий-китобий сўзлар умумнутқий синонимларига нисбатан жилодор, жозибаликни, бу бадиий нутқ талабларига мос келади. Чунки Салтанат учун бу буткул янгилик эди. (Ў.Усмонов. «Гирдоб») гапидаги буткул синоними бутунлай сўзидан маъно жиҳатдан фарқланмайди, аммо бу сўзларни шаклан нафислиги жиҳатидан бир хил деб бўлмайди. Бу ҳол сўзни, айниқса, бадиий нутқда табақаланиши маълум миқдорда шакл томони, талаффузи билан ҳам боғлиқ деган хулоса қилишга олиб келади. Зеро, бадиий матн тил жиҳатидан нафис, жилодор шаклдир. Унинг нафислиги образлилик, ифодадорлик, таъсирчанлик, бадиийлик ва бошқа поэтик тил хусусиятлари билан белгиланса-да, бу жараёнда сўзнинг шаклан жозибадорлигининг муҳим ўрни борлигини эътироф этиш жоиздир. Чунончи, **олис-узоқ, ортидан-орқасидан, шуъла-нур, осуда-тинч, йироқ-узоқ, маскан-макон, диёр-юрт, туғён-ҳис-ҳаяжон** каби сўзларнинг нутқ услублари орасида табақаланиши шакл томони билан боғлиқ. Дарҳақиқат, бу сўзлар маъно ва эмоционал-бўёқдорлик жиҳатдан ўзаро фарқланмайди. Шаклан бадиий нутққа, яъни юқори услубга мослик бундай луғавий воситаларнинг нутқнинг шу тури учун табақаланишига олиб келган. Масалан: насрий матнларда «сезмоқ», «ҳис этмоқ» маъноси кўпинча туймоқ феъли билан ифодаланади. Бадиий нутқдан бошқа нутқ турларида қўлланилмаслиги унинг бадиий бўёққа эга эканлигидан далолат беради. Бу сўздаги бадиий бўёқни ҳам асосан шакл ва тантаналилик билан изоҳлаш мумкин. Турли матнларда **туймоқ, сезмоқ, ҳис этмоқ** сўзларининг услубий синонимии сифатида қўлланилган. Масалан: Анорхон Собирнинг ёлқинли нафасини туяр эди, юрак уришини эшитар эди (Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»). Бу ҳолатдан киши сиқиладиганга ўхшайди. Бироқ, сиқилмайсан. Киши ўзини аллақандай сезаётгандек туяди. (Ш.Холмирзаев. «Қил кўприк»). Ушбу матнлардаги «**сезмоқ», «ҳис этмоқ»** маъносидаги туяр ва туярди сўзларини ўз маънодошлари билан алмаштириш матннинг мазмунига таъсир этмайди. Аммо матндаги бадиий руҳнинг сусайишига сезиларли таъсир этадики, бу ҳол бадиий-китобий сўзларни бадиий нутқ жараёнида муайян ўрни борлигини кўрсатади. Шунингдек, юқоридаги биринчи гапда туймоқ феълини ўз синонимлари билан алмаштириш мумкин бўлгани ҳолда, баъзи матнларда бундай ўрин алмаштириш мумкин бўлмай қолади. Масалан: қуйидаги гапдаги туюлади сўзида «сезмоқ» маъноси мавжуд бўлса ҳам, уни ўрнини шу сўз билан алмаштириб бўлмайди. Бу ҳар қандай сўзнинг матнда ўз мустақиллиги мавжудлигини кўрсатади. Тор, тимли расталардан кейин чуқур хандақ билан ўралган Кўксаройнинг кунгурадор деворлари қоронғидан чўнг қоядай ҳайбатли туюлади. (О.Ёқубов. «Улуғбек хазинаси»). Бундай хусусиятлар бадиий нутқда актив қўлланилувчи, аммо умумистеъмолдаги синонимларидан маъно жиҳатидан фарқ қилмайдиган ёғду (Унинг заиф ёғдуси ташқаридан босиб кирмоқчи бўлаётган тун қоронғисидан қўрққандай титраб қалтирайди. П.Қодиров. «Бобур»), кўклам (Дилимда орзу баландроқ эди, лекин кўклам бир оз ноқулай келди. Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»), оғуш (Дадаси, юрагини кемираётган қандайдир оғир изтироб оғушида кўзларини юмиб… О.Ёқубов. «Оқ қушлар, оппоқ қушлар»), рухсор (… гулдай очилиб кетган рухсори… О.Ёқубов. «Оқ қушлар, оппоқ қушлар»), кўркам (… юрагимиз ҳам бой, кўркам бўлсин. Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»), батамом (Кўпдан айтилмаган бу сўзлар батамом ёдидан кўтарилибди. О.Ёқубов. «Оқ қушлар, оппоқ қушлар») шунингдек, **зукко, ҳазин, қизғин, азим, он, лаҳза, мағрур, бурканмоқ, улуғвор, машъум, оҳиста, тоабад, мунтазир, вазмин, беихтиёр, теран, боқмоқ, кезмоқ, унсин, сўник, маъсум, хаёлан, баралла, узра, сукунат, дуркун, оташ, шуур, беадад, мунгли, шафақ** каби кўпгина бадиий-китобий сўзларда мавжуд.

Хуллас, бадиий-китобий сўзлар бадиий нутқ учун табақаланган, бадиий нутқ моҳиятини очиб берувчи асосий луғавий воситалардан бўлиб, уларнинг хусусиятлари бадиий матн жараёнларида очилади.

АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: 1983.
2.Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Т.: 1974

Термиз давлат университети,
2010 йил 15 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов